O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KILLIY MILLIY PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 3-may ● Seshanba ● 55 (27.390) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Баркамол авлод орзуси

ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ МЕБЕЛЬ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ ВА СПОРТ АНЖОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УНДА 47 КОРХОНА ЎЗ ЖИҲОЗ ВА УСКУНАЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШМОҚДА. 29 АПРЕЛЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНА ШУ КЎРГАЗМАГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Мамлакат мустақиллигининг бирор йили йўқки, унда таълим ислоҳоти йўлида муҳим бир қадам ташланмаган бўлса. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, таълим тизимида мисли кўрилмаган «портлаш эффекти» юз берди.

Ўтган 2004 йил мамлакатимиз таълим соҳасида айниқса мактабларимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк бурилиш ясаганлиги билан аҳамиятлидир. Худди шу йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат миллат мураббийи бўлган, таълимнинг илк ва муҳим босқичи ҳисобланган мактаб моддий-техника базасини, қиёфасини, қолаверса, таълим-тарбиянинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди.

XX аср буюк маърифатпарварларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий: **«Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари илан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар»,** деган эди.

Президентимиз давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида ўкинч ва ачиниш билан шундай деган эдилар: **«Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак».**

Бундан кўриниб турибдики, баркамол авлод камолоти ёруғ ниятлари билан яшаётган миллат ва унинг Йўлбошчиси орзусидаги мактаб тубдан ўзгариши керак. Бунинг учун эса ўтган йилнинг ўзидаёқ дастлабки қадамлар қўйилди. Умуммиллий дастурда мактаб муаммоларини ҳал этиш учун 1 триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Кейинги беш йил мобайнида 8 минг 476 мактаб янгиланади, реконструкция қилинади. Шу вақт ичида 325 мактабни янгидан қуриш, 2 минг 313 мактабни капитал реконструкция қилиш, 3 минг 769 мактабни эса жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Ўтган йилги маълумотларда қайд этилишича, 26 замонавий мактаб бинолари қад ростлади. 8 мактаб капитал реконструкция қилинган, 430 мактаб капитал ва 174 мактаб жорий таъмирланган. 2005 йилда эса ана шу маблағнинг 450 миллиард сўмлик қисмини жалб этиш белгиланган. Шундан 42 миллиард сўми мактаб анжомлари учун мўлжалланган.

Шунингдек, мазкур кўргазма 2004-2005 йилларда янги қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган мактабларни янги мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида ташкил этилган.

«Бундай тендеру кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад мактаб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қулайлиги, дизайни борасидаги талаб ва таклифларни пухта ўрганиш имконини яратишдир. Замонавий мактаблар барпо этиш, мавжуд мактаб биноларини капитал ёки жорий таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга таълим-тарбия ишларининг маъно-мазмунига эътиборни кучайтириш, мактабларни замонавий жиҳозлар, мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар, спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим».

Ушбу фикрларни билдирган Президент Ислом Каримов кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир жиҳозни бирма-бир кўздан кечирди. Ҳозир бўлган ўқитувчилар, мутахассислар билан суҳбатлашди. Уларга зарур тавсиялар, маслаҳатлар берди.

Юрт раҳбарининг талабидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар биримиз ўз ўқувчилик йилларимизни, ўша вақтдаги мактаб билан бугунги янгиланаётган таълим муассасаларини солиштириб кўришимиз, мутасаддилар олдига янги-янги талаблар қўйишимиз зарур. Буни эса вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Кўргазмага қўйилган жиҳозлар, компьютер техникалари, спорт анжомлари — ҳали бу сўнгги хулоса дегани эмас. Улар янада такомиллаштирилади, муаллим ва ўқувчилар, зиёлилар, олимлар фикр-мулоҳазалари инобатга олинади. Шундан сўнггина ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Биз бугун бўлаётган ўзгаришларга, қилинаётган ишларга жаҳон кўзи билан қарашимиз керак. Ўзбек мактаби, ундаги барча жиҳозлар ўқитиш, таълим-тарбия жараёни Франция ёки Буюк Британиядаги худди шундай мактабдан фарқ қилмаслиги, кам бўлмаслиги керак. Шундан сўнг мен мамнун бўламан, бахтиёр бўламан, — дедилар Президентимиз.

Кўргазмада ҳозир бўлган ОАВ ходимлари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, бу борада олиб борилаётган ислоҳотлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, кўргазмада ота-оналар, мутахассислар иштирокини таъминлаш ва омма ўртасида тарғиб қилиш кабилардир.

Танишув жараёнида Президентимиз мутасаддилар эътиборини бир буюк ҳақиқатга қаратдилар. Яъни — **мактаб жиҳозларини танлаш ва мақбулини харид қилишда энг асосий бюртмачи ўқувчилар, ўқитувчилар ва миллий таълим фидойиларидир. Масаланинг ҳар бир жиҳатига уларнинг кўзи билан қараб, хулоса чиқармоқ даркор...**

Муҳаббат ШОМУРОДОВА,
Тошкент шаҳридаги 101-махсус мактаб-интернати ўқитувчиси:

— Ишонасизми, кўргазмага бугун иккинчи маротаба келдим. Бунинг сабаби шундаки, фарзандларимиз, ўқувчиларимиз фойдаланадиган мактаб жиҳозларига бефарқ қараб бўлмайди. Айниқса, биз мутахассислар, ота-оналар келишимиз, кўриб муҳокама қилишимиз, фикр-мулоҳазаларимизни айтишимиз зарур.

Мен бутун ҳаётини педагоглик соҳасига бағишлаган муаллим қолаверса, она сифатида жуда ҳаяжонландим. Президентимиз шахсан ўзлари кўргазмага келиб, намойиш этилаётган жиҳозларни кўриб ўз фикрларини билдирганликлари, ҳамкасбларимиз билан учрашиб, уларнинг таклифларига эътибор билан қараганликлари, барча босқичдаги синф ўқувчилари учун қулай парта ва стуллар тайёрлаш зарурлигига ҳатто парталар бола кўзларини толиқтирмайдиган рангда бўлишига аҳамият берганликлари ўзлари томонидан айтилган ҳамда бугун шиорга айланиб кетган ***«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»*** *деган сўзларнинг ижобатидир.*

Рустам ЭРГАШЕВ, Юнусобод туман, Астробод маҳалласидан:

— Менинг қизим 260-мактабнинг 3-синфида таҳсил олади. Ўғлим эса шу йил биринчи синфга боради. Ушбу кўргазма ҳақида эшитиб, оила аъзоларим билан келиб томоша қилдик. Қизим Дилдора доска, парта, компьютерлардан кўзини узолмай қолди ва бизнинг мактабимизга қачон берилади, деб мендан сўради... Мен барча ота-оналарни бу ерга келиб, мактаб жиҳозлари кўргазмаси билан танишишларини истайман.

Шу ўринда яна бир гап. Турмуш ташвишларига ўралашиб, ўзимиз, фарзандларимиз учун керак ва зарур масалаларга ҳам баъзида вақт ажратолмаймиз. Куни кеча телевизор орқали Президентимизнинг кўргазмага борганлигини, у ерда гапирган гапларини эшитиб, ҳайратландим. Мамлакатнинг муҳим ишларидан ортиб, фарзандларимиз таълим-тарбиясига бу қадар эътибор бераётган Юртбошимиздан фидойиликни ўрганишимиз керак...

Шу кунларда «Ўзэкспомарказ»да намойиш этилаётган мактаб жиҳозлари кўргазмасига келувчилар сони тобора ошмоқда. Буни ҳисобга олган ташкилотчилар унинг муддатини бир ҳафтага узайтирдилар.

Донишмандлардан бири **«Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир, агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим»,** — деган эди. Бугун мамлакатимиз раҳбари мактабни нафақат сўзда, балки амалда ҳам улуғлаш, юксалтириш зарурлигини, жамиятда биринчи масала — мактаб масаласи эканлигини яна бир бора бизга англатдилар.

Фаррух ҲАМРОЕВ



Суратларда: 101-махсус мактаб-интернати ўқитувчилари (чапдан) Муҳаббат Шомуродова, Дина Нигматова, Хурбу Толибжонова, Мафура Нурматова, Шоиста Аҳмедова; спорт анжомлари кўргазмаси.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, банкрот ва монополист корхоналарни қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизимини яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хусусий секторни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жумладан хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатчилик қобилиятини чуқур таҳлил этиш, монополиядан чиқариш соҳасида, жумладан йирик монополист корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизида ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мустақил ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва улардан рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган корхоналарни ажратиб олиш ва хусусийлаштиришни назарда тутадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия корхоналари ўзларининг ички бозордаги монопол мавқеидан фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар нархларини асоссиз равишда сунъий оширишларига йўл қўймаслик мақсадида улар устидан назоратни амалга ошириш;

йирик монополияларнинг рақобатга зид ҳаракатларини, нопок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ноҳалол рақобатни, товарлар ва хизматлар бозорлари монополия қилиб олинишини чеклаш ҳамда пайини қирқишни таъминлайдиган рақобат муҳити учун ҳуқуқий майдонни такомиллаштириш;

иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этиш, корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасида давлат бошқаруви вазифаларини амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат тузилмалари билан мустаҳкам мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиш;

реклама соҳасида нопок рақобатга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш.

3. Белгиланснки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий органлари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими негизида ташкил этиладиган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари, иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари негизида ташкил этиладиган монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, ўз ваколати ва Қўмита тўғрисидаги тасдиқланган Низом доирасида, улар чиқарган қарорларни бекор қилиш ёки монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни бузадиган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек берилган тақдимномалар ижросини назорат қилиш;

нопок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик бузилган ҳолларда уларга қарши судларда даъво қўзғатиш;

монополист корхоналарга, иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкротга учраш ҳолатига келиб қолган корхоналарга уларни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек суднинг қарорига биноан шундай тақдимномаларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчилик ҳуқуқлари камситилгани тўғрисида истеъмолчиларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишилган ҳолда, ана шу ҳуқуқларни бузган корхона ва ташкилотларни текшириш (уларнинг молия-хўжалик фаолияти бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда мазкур қўмита томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият эркинлиги камситилиши ва чекланишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши кўзда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўзи тақдим этадиган даъволар юзасидан кўриб чиқиш учун хўжалик судларига киритиладиган ишлар бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-2676-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПФ-1658-сон Фармонининг 3-9-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига, хусусан, рақобат тўғрисидаги ҳамда товар бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 май

ЁШ РЕЖИССЁРЛАР СПЕКТАКЛЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида ёш режиссёрлар саҳналаштирган спектакллар кўрик-фестивали бошланди. «Дебют-2005» деб номланган тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент Давлат санъат институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари О.Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда санъатнинг барча турлари сингари миллий театр ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони юртимизда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш, тарғиб этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи саҳна асарлари яратишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Шу боис ёш истеъдодларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир, — деди Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти биринчи проректори Муҳсин Ғаниев. — Мазкур фестиваль театр санъатига замонавий ғоя, янгича ёндошув билан кириб келаётган истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ижод қилаётган ёш режиссёрлар ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этаётир.

Фестиваль Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри режиссёри Аҳмадулла Ниёзов саҳналаштирган «Миршаб, қароқчи, айғоқчи ёки актёрлар ҳаётидан бир лавҳа» спектакли намойиши билан бошланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

«ЭНГ АВВАЛО ЛОҚАЙДЛИКДАН ҚУТУЛМОҚ КЕРАК»

Муносабат

Мамлакатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар аҳоли ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Мухбиримиз турли соҳа эгаларидан айримларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Элмира БОСИТХОНОВА, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси бош врачи:

— Юртбошимиз тарих, экология, меъморчилик, ободонлаштириш ва ҳаттоки болалар саломатлиги билан боғлиқ камчиликларга барчамизнинг эътиборимизни қаратди. Нутқда Эски шаҳар билан боғлиқ муаммолар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мен Эски шаҳарда туғилиб ўсганман. Ҳозир ҳам шу ерда яшайман. Ярим аср аввалги тор кўчалар, қўланса ҳидли майдонча ва бозорлар, санитария талабларига жавоб беролмайдиган хонадонлар яқин-яқингача деярли ўзгармай келаётган эди. Зилзиладан кейинги йилларда «Тошкент қайта қурилмоқда» деб хурсанд бўлибмизу, лекин ўша машина киролмайдиган тор кўчалардан 60-100 метр масофага кўмирни челаклаб ташиб юраверибмиз.

Пойтахтимизда олиб борилаётган қурилиш ишларининг аксарияти Эски шаҳарга тааллуқли эканлиги мени қувонтиради. Охирги 15 йил давомида азим шаҳримизда кўпгина замонавий бинолар, кенг ва равон йўллар, гўзал боғлар, янги кўприклар қурилди. Аммо ютуқлар билан кифояланиб, хотиржам яшаш мумкин эмас.

Юртбошимиз ўз нутқида: «Катта шаҳарнинг юки ҳам, ташвишлари ҳам катта бўлиши табиий», деб таъкидлади. Таъбир жоиз бўлса, бу иборани мен соғлиқни сақлаш вакили сифатида шаҳримиз тиббиётига нисбатан ҳам қўллаган бўлардим. Назаримда, катта шаҳарнинг тиббиётига эътиборимиз ҳам катта бўлиши керак. Бу борадаги мавжуд нуқсонларни кимдир келиб ҳал этиб беришини кутиб ўтирмасдан, инсоф билан айтганда ўзимиз ҳам озгина фидойи бўлишимиз зарур.

Гулчехра АХУНОВА, ТошДИУ проректори, иқтисод фанлари номзоди:

— Сессияда нутқни диққат билан тинглар эканман, унда қайд этилган муаммолар, нуқсонларни қандай ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида кўп ўйладим.

Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳар бир депутати шаҳар, туман, маҳалла, керак бўлса, ҳар бир оиланинг ташвишини ўз муаммоси сифатида қабул қилишимиз керак. Инсон омилини кўтариш, унга хизмат қилиш бурчимиз эканини бир лаҳза бўлсин унутмаслигимиз лозим.

Сайловлар пайтида ҳар бир номзод ўз дастурини эълон қилиб, сайловчилар ишончини оқлашга, фаол бўлишга ваъда берган. Биз ана шу катта ваъдаларга вафо қилиб, амалий ишимиз, фаолиятимиз, меҳнатимиз билан ишончни оқлашимиз зарур.

Аҳмаджон ЗОКИРОВ, Шайхонтохур тумани «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Илгари Юртбошимизнинг маърузалари билан телевидение ёки матбуот орқали танишиб юрардим. Бу сафар эса бевосита сессияда иштирок этиб, у кишининг қуйинишларига ўзим шахсан гувоҳ бўлдим. Нутқда Эски шаҳар муаммоларига алоҳида урғу берилди. Мен ҳам шу жойдаги Калонхона маҳалласида туғилиб ўсганман. Биласизми, яқин-яқингача маҳалламизда резина этиклар сақланарди. Чунки, ҳар бир банданинг бошида бор, агар бирор-бир хонадонда аза бўлиб қолса, майитни катта кўчага олиб чиқиш учун резина этикларни кийиб олардик. Негаки, кўчалар сув билан тўлган, лой, расво эди.

Нутқда шаҳардаги камчилик ва муаммолар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари очиқчасига айтиб ўтилди. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Нега энди бир (биринчи навбатда раҳбарлар) камчиликларни тугатишга вақтида киришмаймиз? Нима учун кўп ҳолларда муаммолар газак олгандан сўнг ва бу ҳақда огоҳлантирилгандан кейин қимирлаб қоламиз?

Менимча, биз энг аввало лоқайдлик деган иллатдан қутулишимиз керак.

Лола ИСМАТОВА, ЎзХДП Сирғали туман кенгаши биринчи котиби:

— Партиямиз ўзини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, деб эълон қилган. Сессияда кўтарилган масалалар эса асосан биз таянадиган қатламга боғлиқ муаммолардир. Демак, биз — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари фуқаролар орасига яқинроқ кириб боришимиз ва улар билан узвий алоқани йўлга қўйишимиз, уларнинг ҳуқуқий, фуқаролик ва сиёсий фаолликларини ошириш йўлида янада кўпроқ ишлашимиз лозим.

Муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишнинг энг яхши чораси — жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйишдир. Бу жараёнда ҳам сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Биз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш билангина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Юртбошимиз халқнинг дилидаги гапни айтди: «Агарки, ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қон-қонимизга, суяк-суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман».

Юрт раҳбари қуйиниб гапирган бу сўзларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга, айниқса, ёшларга етказиш бизнинг зиммамиздаги асосий вазифалардан бири эканлигини англадим.

Юртбошимиз сессияда Тошкент шаҳрининг янги ҳокимини таништирар экан, «У юқорида зикр этилган талабларни бажаришга, яъни одамлар билан ўзаро елкадош бўлиб, баҳамжиҳат бўлиб ишлаш, соғлом муҳит яратиш, азим пойтахтимизни янада тараққий топтириш ва шу тариқа Тошкент аҳлини рози қилишга сиз, азиз депутат ва фаоллар билан биргаликда ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз» деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва фаоллари зиммасида ҳам катта масъулият турибди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

ЎзХДП ҳаёти

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки якунлари, ЎзХДПнинг мамлакат сиёсий ҳаётида сўл партия сифатидаги ўрни масалалари муҳокама этилди.

Пленумда маъруза қилган кенгаш биринчи котиби Рустам Ботиров кўпроқ мавжуд муаммолар, ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифаларга йиғилганлар эътиборини қаратди. Нотиқ айниқса, Қонунчилик палатасига атиги бир номзод, вилоят Кенгашига эса 21 номзод сайлангани қониқарли ҳолат эмаслигини, шаҳар ва туман Кенгашлари учун ХДПдан номзодлар баъзи сайлов округларидан кўрсатилмаганлигини кечирилмас ҳол, дея баҳолади. Бу ўринда Учқудуқ, Кармана туманлари кенгашларининг сусткашлигини, сайловолди ҳаракатлари талабга жавоб бермаганлигини таъкидлади. Маърузачи баъзи партия ташкилотларида молиявий аҳвол яхши эмаслигини ҳам айтиб ўтди. Бундай аҳвол Навбаҳор, Конимех, Томди, Нурота туманлари кенгашларида кузатилаяпти.

Маъруза юзасидан музокарага чиққан ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши биринчи котиби Баҳодир Қосимов, Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари, Сенат аъзоси Раъно Валиева ва бошқалар Халқ демократик партияси ўз мазмун-моҳияти билан чинакам сўл партия, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзини яхшилаш учун камарбаста эканини, бу ўринда ҳар бир аъзо партия ишида фаол қатнашиши лозимлигини таъкидладилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Рустам Ботиров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши раиси этиб Мардон Шамсиев сайланди. Баҳодир Мансуров, Улуғбек Мусаевлар вилоят кенгаши раисининг ўринбосарлари бўлишди.

Пленумда вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Усмонов иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»:

САМАРА ИШГА ЯРАША

Мамлакатимизда нефть ва газ соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Кўқдумалоқ», Алан, Мингбулоқ нефть конларида амалга оширилган ишлар, Муборакдаги компрессор станциясининг ишга туширилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг таъмирланиши, Америка, Франция, Япония каби мамлакатларнинг йирик нефть компаниялари ва фирмалари билан амалий ҳамкорликлар самараси ўлароқ нефть маҳсулотлари билан нафақат ўзимизни таъминлаш, балки уни четга сотиш имконини ҳам берди.

Ҳозир мамлакатимизда 160 дан ортиқ нефть конлари бўлиб, уларнинг ресурслари имконияти 4 миллиард тоннадан ортиқ. Қиймати газ ресурслари билан бирга 1 триллион АҚШ долларидан зиёд. Ва яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз ҳудудининг салкам 60 фоизи мавжуд нефть конларини қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар саналади.

Улар орасида Муборак нефть ва газ конлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Сўнгги йилларда Зеварда, Денгизкўл, Алан, Помуқ, Қултоқ газ конларига янгидан қувурлар тортилгани, мавжуд участкаларни бир-бирига боғлаб турувчи «Муборакнефтгаз» шўъба-унитар корхонаси фаолияти фикримиз исботидир. Хусусан, жамоанинг механика таъмирлаш цехи айни шу участкаларга хизмат қилмоқда.

Бийдек чўлнинг ястаниб ётган кенгликларида «қўним» топган бу ҳудудларнинг бир томони — қўшни Туркманистон Республикаси билан туташ. Конлар бир-биридан анча олисда жойлашган бўлсада, ишлар доим бир маромда, самара шунга яраша.

Демакки, бу — мавжуд насос ва ускуналарнинг бенуқсон ишлаши, яъни механика таъмирлаш цехи ишчи-хизматчилари меҳнати натижасидир. Етмиш нафардан ортиқ нефтчилар тер тўкаётган жамоада асосан насосларни таъмирлаш, пайвандлаш, токарлик, темирчилик, дурадгорлик юмушлари бажарилади.

— Белгиланган режалар ва буюртмаларнинг муттасил ошириб адо этилишида, — дейди **цех бошлиғи Нуриддин Маматов,** — Эргаш Ғаниев, Шерали Рўзиев, Равшан Шарипов, Ваҳоб Хўжақулов, Ўлмас Дурдиев сингари ўнлаб пайвандчи, токарь ва фрезерчиларимизнинг ҳиссаси катта...

Замон АЛИ

Суратларда: фрезерчи Ваҳоб Хўжақулов ҳамкасблари — Тоғаймурод Сатликов ва Ўлмас Дурдиев билан; цех бошлиғи Нуриддин Маматов; пайвандчи Эргаш Ғаниев ва газ электр пайвандчи Шерали Рўзиев.

Баҳром МУРОД олган суратлар

Мутахассис фикри

СУД НАЗОРАТИ

ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Президентимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича жуда муҳим масалаларга эътибор қаратди. Айтиш мумкинки, мамлакат раҳбари томонидан ўртага ташланган масалалар демократик ривожланишнинг асосий шартларидан ҳисобланиши билан ҳам аҳамиятлидир. Биз ушбу маърузани қайта қайта ўқиб, маъқуллаган ҳолда узоқ йиллик кузатувларимизга таяниб, суд мустақиллигини тўлароқ таъминлаш борасидаги баъзи бир мулоҳазаларимиз билан ўтроқлашишни маъқул кўрдик. Энг аввало, Конституциявий суд фаолияти доираси кенгайтирилиб, айрим қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилиши лозим, деб ўйлайман. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига шикоят ёки мурожаат қилиш тартиби белгиланиши мақсадга мувофиқ. «Судлар тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Олий хўжалик суди раиси Пленум тушунтиришларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Пленумга тақдимнома киритишлари белгиланган. Бизнингча, бу етарли эмас. Пленум коллегиал орган бўлиши билан бир қаторда, суд ҳокимиятининг энг юқори органи. У Олий суд (Олий хўжалик суди) раисининг раҳбарлигида ўтказилади. Демак, иш ҳақиқатан тўғри, холис ҳал қилиниши ва адолат бўлиши учун бетараф томон масалани ойдинлаштириши керак.

Қолаверса, Конституциявий судга фуқаролар, мансабдор шахслар (айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари) конституциявий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаганларида уни тиклашни сўраб, мурожаат қилишга ҳақли бўлишлари керак. Ваҳоланки, Конституциявий суд зиммасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга мослигини аниқлаш вазифаси қўйилган. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида эса бирор гап-сўз йўқ.

Умумий судлар тизимида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш учун Президентимиз таъкидлаганидек, уларнинг мақомини кенгайтириш лозим. Бунинг учун:

Биринчидан, судьяларни сайлаш ва тайинлаш муддатларини узайтириш, яъни беш йилдан ўн йилга сайлаш ёки умрбод тайинлаш тартибини жорий қилиш зарур. Албатта, бунинг ўзига хос талаблари ҳамда шартлари ишлаб чиқилади;

Иккинчидан, халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий мақоми, уларга қўйиладиган талаб ва шартлар низом ёки қонун шаклида ўз ечимини топиши керак. Ҳозирда «Судлар тўғрисида»ги қонун ва ЖПКнинг баъзи моддаларида бу масалага оз бўлса-да ўрин ажратилган. Лекин амалиётда халқ маслаҳатчиларининг иштироки етарли натижа бермаётганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Халқ маслаҳатчиларининг одил судловдаги ўрнини ҳамда мажбуриятини ошириш мақсадида, бизнингча, қуйидагини амалга ошириш керак: халқ маслаҳатчиларини тайёрлаш, уларни рағбатлантириш, имтиёзлар бериш (жумладан, нафақа тайинлашда); ҳукм бекор бўлганида судья билан тенг бўлиб, ишни мазмунан кўришда иштирок этганлигини ҳисобга олиб, уларнинг ҳам жавобгарлиги масаласини кўриш ва ҳоказо.

Судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, судьяларни жиноят процессининг муҳим босқичларидан бўлган дастлабки терговга олиб киришдан иборат. Деярли барча хорижий мамлакатларда дастлабки тергов устидан умумий раҳбарлик прокурорда бўлсада, айрим процессуал ва тергов ҳаракатлари устидан назорат судьянинг ваколатига берилган. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам дастлабки терговда инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган масалаларни судга олиб бериш тартибининг жорий қилиниши кўп жиҳатдан ижобий тавсифга лойиқ иш бўларди. Масалан, **процессуал мажбурлаш чораларидан** — ушлаб туриш, лавозимидан четлаштириш, гумон қилинувчи, айбланувчини экспертиза ўтказиш мақсадида тиббий ёки психиатрик муассасага жойлаштириш, **эҳтиёт чораларидан** — қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтириш, **тергов ҳаракатларидан** — банк ҳисобидаги маълумотлар сақланадиган ёки бошқа кредит берадиган жойларнинг ҳужжатларига ёки моддий предметларига, почта, телеграф корреспонденцияларига, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкларига жумладан, банк хисоб рақамидаги пулларига арест солиш, уй эгасининг розилиги бўлмаган ҳолда уй-жойни кўздан кечириш, тинтув ва олиб қўйиш масалаларининг суд ваколатига берилиши фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бизнингча, юқоридаги масалаларни мазмунан иш кўрувчи судьяга юклаб бўлмайди. Бу ваколатлар «тергов судьялари» ёки дастлабки тергов устидан назорат қилувчи судьялар ёки бошқача ном билан аталган мустақил судьяга берилиши лозим. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи муҳим жиҳати шуки, процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказишда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ва бу шикоятни суд томонидан кўриб чиқиш тартибини белгилаш керак бўлади. Бу халқаро ҳуқуқий меъёрларига ва бош қомусимиз талабларига мос келади.

Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш Жиноят процессуал кодексига, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунга жиддий ўзгартириш киритиш билан боғлиқ. Шундай экан, Президентимиз маърузасида таъкидланганидек суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари маъсулиятини янада кучайтириб, улардан профессионал ва фуқаролик бурчлари ҳамда вазифаларини сидқидилдан бажариш талаб этилади. Бунинг учун, фикримизча, судьяларни тайёрлаш тартибини прокурорларни тайёрлаш процедурасига яқинлаштириш лозим. Масалан бир йил давомида «жамоатчи судьялар» ёки «судьялар ёрдамчилари» номи билан уларни шакллантириш ва унча мураккаб бўлмаган жиноят ишларини мазмунан кўришга жалб қилиш керак. Шунда уларда амалиёт ва кўникма ҳосил бўлади.

Кези келганда судьяларнинг махсус кийими тўғрисидаги масалага ҳам эътиборини қаратмоқчимиз. Назаримизда судьяларнинг ички дунёсига, шаклшамойилига, ақл-заковатига ва бошқа қатор инсоний фазилатларига қўшимча ташқи кўринишларини ўзига хос белгилаш суд этикаси учун зарурдир.

Юқоридаги масалаларнинг босқичма-босқич хал қилиниши Юртбошимиз алоҳида таъкидлагани каби: «Ҳеч муболағасиз бугун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди».

Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА, Тошкент Давлат юридик институти, «Жиноят процесси» кафедраси мудири

ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА — ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Мексика пойтахти Мехико шаҳрида ядро қуролидан холи зона ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларнинг тўлақонли аъзоси саналган давлатлар ҳамда бу борадаги шартномаларни имзолаган мамлакатлар вакилларининг халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Унда дунёнинг турли минтақаларида ядро қуролидан холи зоналар яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, ер юзида ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик механизмларини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон делегацияси вакили Марказий Осиё мамлакатлари номидан сўзга чиқар экан, ядро ҳудудидан холи зоналарни яратиш халқаро хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашда, хусусан ер юзида ядро қуроли тарқалишининг олдини олишда бениҳоя муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон вакили Марказий Осиёда кечаётган жараёнга эътибор қаратиб, минтақа мамлакатлари ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича шартномани имзолаш арафасида эканини айтди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айни ташаббус илк бор Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган эди. Ўзбекистон раҳбари 1993 йилда БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғоясини илгари суриб, мазкур қадам минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, қолаверса глобал хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлажагини таъкидлаганди.

Шу йилнинг февраль ойида Марказий Осиё мамлакатлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган анжуманида минтақада ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги шартномани имзолаш йўлида муҳим қадам ташланди: минтақа вакиллари шартнома матни борасида бир тўхтамга келишди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаатида дунёнинг турли минтақаларида ядро қуролидан холи зоналар яратиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатлар, хусусан, Марказий Осиёни ана шундай ҳудудга айлантириш борасидаги силжишлар юқори баҳоланган ҳам эътиборга моликдир.

Анжуман якуни бўйича қабул қилинган Декларацияда Марказий Осиё мамлакатларининг минтақада ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича шартномани имкон қадар тезроқ имзолашга қаратилган ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

Маълумот тариқасида шуни айтиш керакки, айни вақтга қадар ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича қуйидаги шартномалар имзоланган: Тлателолко шартномаси (Лотин Америкаси ҳудуди), Раротонга шартномаси (Жанубий Тинч океани ҳудуди), Бангкок шартномаси (Жанубий-Шарқий Осиё ҳудуди) ва Пелиндаба шартномаси (Африка ҳудуди).

Ер юзида ядро қуролидан холи зоналар яратиш хусусидаги фикрлар илк бор ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган эди. Ўшанда бундай зоналарни дастлаб Марказий Европада, сўнгра Шимолий Европада ташкил этиш ҳақида таклифлар билдирилган. Ўша даврда мавжуд сиёсий воқелик нуқтаи назаридан бу таклифлар аксарият сиёсатдонлар томонидан хомхаёл сифатида баҳоланган ҳам маълум. Аммо дунё мамлакатларининг қатъияти айни баҳоларнинг асоссиз эканини исботлади. Бугунги кунда БМТга аъзо давлатларнинг ярмидан кўпроғи ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги шартномаларга қўшилган.

Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА, *Нью-Йорк.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 3 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	849,75	1 Хитой юани	131,73	1 ЕВРО	1401,31
1 Англия фунт стерлинги	2077,49	1 Малайзия рингити	286,95	10 Жанубий Корея вони	10,90
1 Дания кронаси	188,26	1 Польша злотийси	328,07	10 Япония иенаси	103,58
1 БАА дирхами	296,86	1 СДР	1653,68	1 Россия рубли	39,26
1 АҚШ доллари	1090,26	1 Туркия лираси	784,92	1 Украина гривнаси	215,89
1 Миср фунти	188,30	1 Швейцария франки	911,59		
1 Исландия кронаси	17,22				
1 Канада доллари	864,19				

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХОНАДОНДА КУТУБХОНА

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, китобхонлик шахсни оқиллик, фозиллик сари бошлайди, ундаги эзгулик туйғусини тарбиялайди.

Сирғали туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида мўъжазгина кутубхона бор. Уни маҳалладошлар «Зуҳра ая кутубхонаси» деб аташади. Бунинг боиси бор, албатта.

Зуҳра Жалилова асли тарихчи, мўъжазгина ҳовлида яшайди. У хонадонининг икки хонасини кутубхонага айлантирган. Унда икки мингдан ортиқ китоб бор.

Кутубхона жавонига назар ташлаймиз: Алишер Навоий, Бобур, Абу Али ибн Сино... Ойбек, Абдулла Қодирий, Назир Сафаров, дунё халқлари эртаклари, ҳайвонот олами энциклопедияси луғатлари, бугунги ёш ижодкорлар асарлари... Президентимиз китоблари, давлатимиз Қомуси эса алоҳида жавонда дид билан териб қўйилган.

Кутубхонага маҳалладошлар, мактаб ўқувчилари ташриф буюришади, мутолаа қилишади. Айниқса, ёз ойларида ораста ҳовлида китобхонлик кечалари бўлиб ўтади.

— Шундай тадбирларга, — дейди Зуҳра ая, — шоир, олим, машҳур одамларни ҳам таклиф этамиз. Куни кеча маҳалла ёшлари орасида кашандалик, гиёҳвандликнинг зарари ҳақида учрашув ўтказдик. Унга бир гуруҳ шифокорларни ҳам таклиф этдик. Кузатиб ўтирдим, учрашув сўнггида 2-3 нафар ёшлар улардан манзилларини сўраб олишди...

Ҳа, хонадон кутубхонаси маҳалла ҳаётида ўзига хос ўринга эга. У ёшларни нурли манзиллар сари етаклайди.

Саида САЙХУН

Украина:

ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ 100 КУНЛИК ФАОЛИЯТИ

Бу давр мансабдорлар орасидаги зиддиятлар ва ҳукуматнинг янги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бошлагани билан эсда қолади. Бундан ташқари бу давр нафақа ва ойлик маошларнинг ошиши, озиқ-овқатлар нархининг кўтарилиши ҳамда АҚШ долларининг курси 6 фоизга тушиши билан ҳам ёдда туради. Апрель ойининг бошида бу валюта бирлигини 5,3 гривнага сотиб олса бўлар эди. Бироқ ойнинг охирига келиб унинг қиймати 4,9-5 гривнага тенг бўлиб қолди. Украина Миллий банки бу ҳолатни бозордан валюта сотиб олишнинг тўхтатилиши билан изоҳлади. Миллий банк вакиллари долларнинг аввалги курси собиқ ҳукумат томонидан сунъий равишда ошириб қўйилганлигини, энди эса унинг ҳақиқий нархи ўрнатилганлигинини ҳам таъкидламоқда.

Бироқ танганинг икки томони бўлганидек, бу ҳолатнинг салбий томони ҳам бор. Доллар курсининг тушиши инфляциялардан чарчаган ва уч тўрт гривнасини долларга айлантириб олишни маъқул кўрган кўп сонли ўртаҳол украиналиклар учун навбатдаги зарба бўлди.

Қизига уй-жой олиб бериш учун доллар йиғиб юрган қўшним, 58 ёшли муҳандис Василий Богдатенко ҳукуматнинг молиявий сиёсатига ўз муносабатини билдирар экан, ўзини зўрға тутиб турди: — Мен 5000 долларим бир зумда 4000га айланиши учун «бахмал инқилоб»да қатнашганим йўқ. Ҳеч бўлмаса бирор нарсани тушунтиришганда, бизни тайёрлашганда бунчалик бўлмасмиди?..

Янги иқтисодий ислоҳотларни Украина фанлар академияси иқтисодий башорат қилиш марказининг бош илмий ходими Владимир Сиденко шундай шарҳлайди: — Менимча аҳволни бу тарзда яхшилаш нотўғри, чунки иқтисодиёт тезкор ҳаракатни.ёқтирмайди. Бу ерда нафақат гривна қийматини кучайтириш, балки ижтимоий тўловларнинг оширилиши ҳам назарда тутилмоқда. Бу вазият ишлаб чиқарувчилар умид қилган имтиёзлар бекор этилиши билан янада оғирлашмоқда. Айнан шу ерда ҳукуматнинг ижтимоий тўловлар оширилишини иқтисодиёт ҳисобига қоплашга қаратилган сиёсати кўринмоқда. Мен бюджетдаги бундай ўзгаришларни ўта хавфли деб атаган бўлардим.

Бироқ бюджетдаги ижтимоий харажатлар ошиши ҳисобига даромадлари сезиларли даражада ўсган қўпгина фуқаролар ҳукуматнинг бундай сиёсати хавфли эканлиги ҳақида ўйлаб кўришгани ҳам йўқ.

Кўпгина кузатувчилар кейинги йилда ўтказилиши кутилаётган парламент сайловлари яқинлашгани сари ҳукуматдаги бирдамликнинг йўқолиб бораётганини таъкидлашмоқда. Бош вазир Юлия Тимошенко ва Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Петр Порошенко орасидаги зиддиятлар

Шарҳ

сиёсий ҳангомалар мавзуига айланиб улгурди. Порошенконинг бош вазир лавозимини эгаллашга интилаётгани анчадан буён маълум. Бироқ президент Ющченко давлатнинг энг юқори лавозимлардан бирида Тимошенкони кўриш истагини билдирди.

Аммо нима бўлса ҳам, оддий халқ вакили тасаввурида президент ва бош вазир бирдамлигини ҳеч қандай куч буза олмайди. Ющченко кўп сонли хорижий ташрифлар давомида мамлакатнинг янги раҳбарияти мавқеини мустаҳкамлаш билан банд бўлса, Тимошенко бу вазифани она юртида бажармоқда. Лекин шу йилнинг кузида ушбу мустаҳкам алоқаларга путур етиши мумкин. Чунки айнан шу пайтда собиқ президент Кучма босими остида қабул қилинган президентлик ваколатларини камайтириб, бош вазирникини кучайтириш бўйича ислоҳотлар амалга оширила бошлайди.

Президент Ющченко Тимошенконинг биринчи чорак бўйича берган ҳисоботини юқори баҳолади. Шу аснода муҳолифат кучларнинг Юлия Тимошенкога нисбатан айтилган танқидий фикрлари эшитилар-эшитилмай ўтиб кетди. Бунга сабаб эса собиқ бош вазир Виктор Янукович тарафдорларининг мавқеи пасайиб бораётгани билан изоҳланади.

Собиқ ҳукумат аъзолари тақдирига ҳавас қилиб бўлмайди. Леонид Кучма журналист Гонгадзе иши бўйича бир неча марта Бош прокуратурада сўроқ қилинди. Ички ишлар вазири Юрий Луценко йирик тадбиркор ва сиёсатчиларнинг идорага келиб кетишини «сўрамоқда». Аввалари уларнинг даҳлсизлигига ҳеч ким раҳна сола олмайдиганга ўхшарди. Бироқ вазир «бу ерда ҳеч қандай сиёсат йўқлиги» ва улар фақат қонунни бузганлиги учунгина чақирилаётганлигини айтди. Шунга қарамай уларнинг баъзилари панжара ортига жўнатилди. Аксарияти устидан жиноий ишлар қўзғатилган.

Людмила ПУСТЕЛЬНИК,
Киевда чоп этиладиган «Украина» журнали халқаро ахборот бўлими мудири
«Ўзбекистон овози» учун махсус тайёрлади

Инсон хотираси — азиз

ТОҒАЙ МУРОДНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Биз Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиган кезлар битирувчи факультетдошларга жуда ҳавасимиз келарди. Чунки улар ҳадемай таҳририятларга бориб қизғин ижодий фаолиятга киришиб кетишади, гуриллатиб мақолалар чиқариб, эл-юртга танилишади, деган ўй-хаёлда юрардик. Орамизда, «Қайси курсда ижодни боплайдиганлар кўпроқ?» — деган савол ҳам айланишиб қоларди баъзан. Биздан бир йил муқаддам ўқишни битираётган курсда кимсан — Эркин Аъзам, Ҳалима Хубойбердиева, Усмон Азим сингари аҳли қалам бадиий адабиёт эшигини дадил очишга шай бўлиб, жамоатчиликка танилиб улгуришган эди. Бу «етмагандай» уларнинг сафида Тоғай Мурод пайдо бўлди! Аслида у ўқишни илгарироқ битираётган, лекин қандайдир можарога аралашиши касофатига бир йил «синфда» қолдирилгани боис кейинги курсдагилар билан ўқишни битиришга мажбур бўлганди. Ким нима ташвишда-ю, биз «Эркин Аъзамлар курси янаям кучайиб кетганидан» хавотирдамиз! Хавотирда эдигу, Тоғай Муродни қарийб кўрмас эдик. У дарсларга деярли қатнашмас, мабодо юзма-юз келиб қолганда ҳам бошқалар билан ёлчитиб сўрашиб, салом-алик қилганини эслолмайман. Қўл олишган тақдирда ҳам оғиз очиб бир нарса демас, бош ирғаб қўя қоларди.

— У зўр ёзувчи! — деди сабоқдошимиз Ўрол Ўтаев, бундай ҳолатни ўзича шарҳлаб.

Орадан йиллар ўтди, ондасонда кўча-кўйда, аксарият Республика радиоси уйи атрофларида (у ўша ерда ишлар эди) мутлақо тасодифан тўқнаш келиб қолганимизда салом-алигимиз жуда қисқа бўларди. Мен оддий журналист, Тоғай Мурод эса «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» қиссалари билан ўзининг ҳақиқатда зўр ёзувчилигини исботлаб улгурган, бизга ўхшаш бошловчи ҳаваскорларга беписандлиги бежиз эмас-да, деб ўзимча унга тан бериб кўярдим ҳам.

Орадан яна қанча ўтди, ёдимда йўқ, Тоғай Мурод «Фан ва турмуш» журнали таҳририятида пайдо бўлди! Мен ушбу таҳририятда етти-саккиз йилдан буён ишлаётган ходим сифатида бир нарсага иймоним комил эдики, Тоғай Мурод учун «Фан ва турмуш» ҳам, жамоадаги муҳит ҳам мутлақо ёт эди! Нега, нима сабабдан?

Таҳририятда ички меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилган, журналнинг ҳар бир сони мундарижаси қатъий режа асосида шакллантирилар, фикр-мулоҳазалар, мақолаларни тайёрлаш, ҳатто юриш-туришимизгача, тушликка чиқиш-келишгача — ҳаммаси ёзилган-ёзилмаган қатъий тартибга солинган эди!

Тоғай Мурод ишга қабул қилинди. Торгина хонада, рўпарама-рўпара столда пешонамиз пешонага теккудек ахволда бир йилдан ортиқроқ ҳамхона-ҳамнафас бўлдик. Хонадаги ҳамкасблар билан бўладиган адабий гурунгларимиз доираси пича кенгайди. Тоғай Л.Толстой, Мопассан асарларидан кўп мисол келтирар, айниқса Сетон-Томпсоннинг ҳайвонот дунёсига бағишланган ҳикояларини завқ-шавқ билан айтиб берар, уларни ўзбекчалаштиришга киришганидан гап очарди.

Тоғайга кўпроқ адабий-бадиий ижтимоий йўналишдаги мақолаларни тайёрлашга беришарди. У ўзига топширилган мақолани жуда қийналиб ўқиб чиқар ва муқаррар ундан қониқмас эди. Кўпчилик муаллифларнинг «тили» ғализлигидан, мутлақо ўзбекча эмаслигидан тутақиб кетар, русчадан нўноқларча таржима натижасида урчиб бораётган чала ва сохта тил бу, дея хуноб бўлгани-бўлган эди. Қўлёзмани кўтарганча хонада юришга тушар, «И, буни ёзганига қаранглар!» — деб «теша тегмаган» жумлаларни баралла ўқиб эшиттирар, кетидан яйраб кулиб ҳам кўяр эди. Сўнг, «Бу мақолани таҳрир қилиб бўлмайди», деган хулоса чиқарарди. Биз эса, агар шу тахлит ёндошилса, аксарият муаллифларнинг мақоласи оммабоплик талабига жавоб бермаслигини, демак, улар журнал юзини кўрмаслигини янги ходимимизга уқдиришга уринардик. Бўяб-бежаб таҳрир қилинган асл нусхаларни кўрсатардик.

— Бундай таҳрир қилишда муаллифларни дангаса қилиб қўясизлар, хом-хатала мақола ёзади-да, сизларга ишониб ташлаб кетаверади, шу. Яхшиси, мақолани қайтариб бериб юбораман, бошқа иложи йўқ, — деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб оларди.

Биз эса унга тушунтиролмай жонимиз ҳалак: «Ҳой, барака топкур, журналга ҳеч қачон тайёр мақола келган эмас, сиз билан бизнинг вазифамиз ҳам битта — мақолани қайта ишлаб, тайёр ҳолга келтириш, вассалом!»

Шундан кейин Тоғай киф-

тини бир қисиб қўярди-да, вазиятни тушунгандай бўларди.

— Яхшиси, қайта ёзиб кўя қоламан! — дея мук тушиб ўтирганича бош кўтармай ишга киришиб кетар эди. Жисмонан бақувват эди, бутун вужуди билан мақолани қайта ёзишга киришиб кетарди.

Журналдаги иш тартибининг яна бир ўзига хослиги шунда эдики, ҳар бир мақола камида икки муҳаррир қўлидан ўтгачгина босмага рухсат этилар эди. Тоғай Мурод эса ўзи тайёрлаган мақоланинг қайта таҳрирга берилишини сира ҳазм қилолмас, қайта таҳрирда ўзгаришлар кўпайиб кетиши унинг иззат-нафсига тегарди. У қўлига қалам олиб ёздими, бас, бошқаларнинг маслаҳати билан унга ўзгартириш киритишга жуда қийналар эди. Умуман, Тоғай Мурод ниҳоятда кўнгли нозик, арзимас нарсага ҳам ранжиб қоладиган одам эди, лекин баҳслашганда айтган сўзидан қайтмас, аксари баҳсни бас қилиб, жим бўлиб қолардида, хийла фурсат ўтгач, тўсатдан ўрнидан туриб кетар ва боя тўхтаган баҳсни келган жойидан давом эттиришга тушарди. Шундай пайтларда мен уни жуда авайлаб, кўнлига оғир ботмайдиган сўзларни топиб, тушунтиришга ҳаракат қилардим ва ниятимга эришардим ҳам. Хусусан, у тайёрлаган мақоладаги айрим чалкаш, ноаниқ рақам ва маълумотларни манбалардан кўрсатиб аниқлик киритилганда Тоғай ёш боладай дув қизариб кетар, кетидан самимий жилмайиб қўйиб, «Ҳа, майли, ўзингиз тузатиб қўя қолинг», деб ён берарди.

Орадан бир йил ўтди, менинг тахминим тўғри чиқди, яъни Тоғай «Фан ва турмуш» муҳитини қабул қилолмади. Ишга келмай қоладиган кунлари кўпайди. Бундай интизомсизлик... йўқ, бундай ҳолатнинг аслида интизомсизлик эмаслигини фарқлаш учун Тоғай Муроднинг шахсини, Парвардигор унга ато этган феъл-атворни тушуниш керак эди! Бир йилдан ортиқроқ у билан бирга ишлаб, уни яқиндан кузатгачгина у ҳақдаги илгариги тасаввурим ўзгарди. Йўқ, Тоғай Мурод бошқаларга беписандликни, кибр-ҳавога берилишни ҳам билмас экан. У ўз дунёсида яшайдиган, ўша дунёсини сира тарк этолмайдиган, борди-ю, иттифоқо ўзини жисман ўраб турган муҳитга қайтгудай бўлса, албатта кимгадир маъқул келмайдиган, ҳатто ғайритабиий муомала қилиб қўйиши аниқ эди. Шу боисдан ҳам у ҳушига келган ишни қилади, ҳушига келган одам билан гаплашади, қолган ҳаммаси унинг учун бекор. У ҳеч бир нарсада ўртача йўлни билмади, муроса кўчасига йўламади, ўзи билан ўзи яшади. Ҳар қандай муҳитга, ҳар қандай даврага сиғавермагани учун ҳам табиатига қарши бормади — ёлғизликдан паноҳ топди. Ушбу ақидасида шу қадар қатъий эдики, ўзи ва асарлари тўғрисидаги на ижобий, нада салбийроқ мулоҳазаларга кўпда қизиқавермасди ҳам. «Ким нима деб гапирибди, ким қандай тақриз ёзибди, деб ўтирсангиз, ижод қолиб кетади, ундай нарсаларга маҳлиё бўлмай қўлдан келганича ёзавериш керак», дер эди.

Тоғай Муродни эслаганда, яна икки нарса хотирага келади. Бир куни суҳбат асносида, «Шукур Холмирзаевнинг ўн ҳикояси» деган ном остида китоб ёзишни ўйлаб юрибман, бу китоб Шукур аканинг энг сара ҳикоялари мисолида жаҳон ва ўзбек ҳикоячилиги ҳақидаги ҳикоялардан ташкил топади», деб ўйлаб юрган ниятимни айтиб қолдим.

— Яхши фикр, ёзинг! Шукур аканинг ҳикоялари бундай китобга арзийди! — деди Тоғай ниятимни маъқуллаб.

Кейинчалик онда-сонда учрашиб қолганимизда, ҳар сафар «Ҳикоялар ҳақидаги ҳикоялар битдими?» — дея ўша суҳбатни ёдимга солар эди.

Иккинчи ғалати ҳодиса пахта теримига ҳашарга борган кунларимизнинг бирида юз берди.

Тўсатдан республика комфирқасининг раҳбари Шароф Рашидовнинг вафот этгани ҳақидаги хабар тарқади. Тоғай, «Тошкентга бораман, дафн маросимида иштирок этаман», деб туриб олди. Рухсат бердик, Тоғай пойтахтга кетди. Бир кунга рухсат олган одам тўрт кунда қайтди. Табиий, мартабали зотнинг дафн маросими хусусида гап очилди. Тоғай Мурод дафн маросими ҳақида гапириб бериб ўтиридда, ҳамхоналаримиздан бирининг, марҳумни қаерга қўйишди, деган саволига ҳеч иккиланмай, «Чиғатой қабристонига», деб жавоб қайтарди.

Ўтирганлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Ахир дафн маросими Тошкентнинг қоқ марказида бўлиб ўтди-ку!

Ҳарчанд уқдиришга урин-майлик, Тоғай Мурод сўзидан қайтмади, нега мени уриб енгасизлар, ахир ўзим қатнашиб келдим-ку, Шароф акани Чиғатой қабристонига қўйишди, ишонмасанглар, Тошкентга борганда кўрасизлар, деб туриб олди. Орадан кўп ўтмай Тоғайнинг гапи ҳаётда ўз исботини топди...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

ҚИЛ УСТИДАГИ ҲАЁТ

Қайноқ воқеалар бўлиб ўтаётган жойга бориб, биргина мақола ёзиш ёки суратга тушириш учун ширин жонини гаровга тикканлар ҳақида эшитганмисиз? Аввалари бундай одамлар, яъни қайноқ нуқталарда фаолият юритадиган журналистларнинг ўлдирилиши ёки гаровга олиниши катта шов-шувга айланиб кетар эди. Бугунги кунда бундай маълумотлар қулоғимизга тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Буни журналистларни муҳофаза этиш билан шуғулланувчи турли ташкилотлар берган маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. 1982 йилда дунёда тўққиз журналист ўлдирилган эди. 2004 йилга келиб бу кўрсатгич эллик учтани ташкил этди.

1994 йил дунё журналистикаси учун оғир келди. Ўшанда ОАВнинг 103 хизматчиси ҳалок бўлди. Афғонистон, Чеченистон ва Ироқдаги охирги бир неча йиллар давомида вужудга келган нотинч вазият журналистларни нафақат воқелик қузатувчиси, балки унинг қурбонига айланиб қолиши мумкинлигини бир неча марта тасдиқлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, журналистика дунёдаги фуқаровий касблар орасида кончиликдан кейин турувчи иккинчи энг хавфли касбдир. Ҳар йили юзлаб кончилар турли фавқулодда вазиятлар туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмади. Энг йирик ҳалокат 1942 йилда Хитойнинг Хинкейко конида рўй берганди. Ўшанда 1572 киши ҳалокат қурбони бўлган.

Журналистлар доимо ўзларини воқеликнинг энг «қайноқ» жойига уради. Шундан бўлса керак, бу касб эгаларининг зиддиятли нуқталарга бориши ҳақидаги мурожаатномалари ОАВ раҳбарлари учун катта бош оғриғига айланди. Чунки, ҳеч бир раҳбар журналистни «қайноқ нуқта»га жўнатиб, малакали ходимидан айрилгиси келмайди. Бирор кор-ҳол юз берадиган бўлса, унинг ҳаёти учун жавобгарликни бўйнига олишни ким истайди дейсиз? Шунинг учун аксарият ҳолларда ўз хоҳиши билан бирор хавфли худуддаги тадбирни ёритишга жўнаб кетаётган журналистдан раҳбариятни жавобгарликдан халос этувчи тилхат олиб қолинади.

Рейтер, Би-Би-Си, Си-Эн-Эн каби йирик ташкилотлар қайноқ нуқталарда фаолият юритишда тўпланган тажрибалар асосида хизматчилари учун қўлланма ишлаб чиққан. Унда зиддиятли заминга оёқ қўйишдан бошлаб, у ерни қай тарзда тарк этишгача қимматли маслаҳатлар берилган.

— Ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган ҳудудга қадам босгандан кейин инсон ҳуқуқлари ва айниқса, сўз эркинлиги ҳақида вақтинча унутиб туришга тўғри келади, — дейди Би-Би-Сининг ҳарбий мухбири Майк Вильямс. — Бундай жойларда журналист умуман кутилмаган вазиятга тушиб қолиши мумкин. Мисол учун, Чеченистон воқеаларини ёритаётганимда мени бир неча марта жосус деб ушлаб олишди. Калтак еб, ҳақорат эшитган пайтларим ҳам бўлган. Бироқ барибир касбимни севаман.

Хизмат сафари доирасида Англиянинг Рейтер агентлигида бўлганимда у ерда бир бурчакка қўйилган ёстиқдай келадиган китобга кўзим тушди. Сўраб-суриштирсам бу китоб агентлик фаолият бошлагандан бери ҳалок бўлган журналистларнинг ёркин хотирасига бағишланган экан.

— Воқеа жойидан тезкор маълумот етказишимиз баъзан қурбонликлар эвазига амалга ошади, — дейди бизга ҳамкорлик қилган Рейтер агентлигининг вакили Кейт Соммерсвиль.

Охирги 10 йилда дунё бўйича 500 дан ортиқ журналист ўз вазифасини бажараётган пайтида ҳалок бўлган. Уларнинг 70 фоизи қасддан ўлдирилган. Ушбу жиноятларни содир этганларнинг 80 фоизи жавобгарликка тортилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги мушкул вазият журналистдан вазифасини бажаришдан ташқари хавфсизлик масаласи устида ҳам бош қотиришни талаб қилмоқда. Чунки аксарият ҳолларда у тасодиф, тушунмовчилик ёки қасддан амалга оширилган ҳаракатлар қурбонига айланмоқда.

Хуршид РАУПОВ

Ядровий қуролсизланиш мақсадида

Кеча 180дан ортиқ мамлакат ташқи ишлар вазирлари, элчилар ва бошқа расмий доира вакиллари ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш масаласи бўйича БМТнинг Нью-Йоркдаги ваколатхонасига йиғилишди.

Конференция қатнашчилари 35 йил олдин қабул қилинган ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги келишув келажагини таъминлаш бўйича маслаҳатлашиб олишди. Бу келишувда атом энергияси тинчлик мақсадларидагина ишлатилиши ва глобал ядровий қуролсизланиш ҳақида айтилган.

Келишув шартларига кўра, ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатлар уни қўлга киритишга интилмасликка, қуролга эгалик қилаётган давлатлар эса ундан воз кечиш йўлларини излаши кўзда тутилган.

ОЛМАЛИҚ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:



Манзил: Олмалиқ шаҳри, Бирдамлик кўчаси, 8-уй.
Тел: (8.261) 2-18-60, 2-20-37.

9-СИНФ МАЪЛУМОТИ БИЛАН:
«Ҳамширалик иши»;
«Даволаш иши»;
«Лаборатория-диагностикаси».
Ўқиш муддати — 3 йил.

11-СИНФ МАЪЛУМОТИ БИЛАН:
«Ҳамширалик иши».
Ўқиш муддати — 2 йил, шартнома асосида

Олмалиқ тиббиёт коллежига ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан консультатив марказ томонидан 2005 йил 20 июндан 1 августга қадар қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

- *Коллеж директори номига ариза;*
- *Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086/у-шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
- *Оилавий аҳволи ҳақида доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;*
- *Тавсиянома;*
- *9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган жойдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома;*
- *Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.*

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ Кузатув кенгаши 2005 йилнинг 27 май куни соат 10.00 да ўзининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Белариқ кўчаси, 22-уйда жойлашган ОАЖнинг маъмурият биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида ҳисоботи.
2. Аудитор текшируви ва йиллик баланси тасдиқлаш тўғрисида.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
4. 2004 йилдаги фойда-зарарни тақсимлаш, дивидендлар миқдорини белгилаш.
5. 2005 йилга Бошқарув раисини тасдиқлаш.
6. 2005 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.
7. Кузатув Кенгаши қарорларини тасдиқлаш.
8. Жамият Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
9. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Маълумотлар учун телефонлар: 53-63-25, 53-02-14

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

2004 йил якуни бўйича «Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ БАЛАНСИ

Баланс счётлари	АКТИВ	Минг сўм	Баланс счётлари	ПАССИВ	Минг сўм
01	Асосий воситалар ва номоддий активлар	197018	83 85	Устав капитали Заҳира капитали	142512 158653
06	Узоқ муддатли қўйилмалар	6479	88	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун заҳиралар	80843
10	Ишлаб чиқариш заҳиралари	386327	72	Узоқ муддатли мажбуриятлар	68178
51	Пул маблағлари	35513		Кредиторлар	1170491
52	Валюта маблағлари	—	87	Тақсимланмаган фойда	66354
	Дебиторлар	1061053			
58	Қисқа муддатли инвестиция	641			
	БАЛАНС	1687031		БАЛАНС	1687031

Бухгалтерия балансида кўрсатилган маълумотлар «АККО» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланади (ЎзР Молия вазирлигининг 2001 йил 16 октябрдаги 00233-сонли лицензияси).

«ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОРИ» ОАЖ

акциядорлари диққатига!

2005 йил 21 май соат 11.00 да жамиятнинг маъмурий биносида (Зарбдор қўрғони) акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Корхонанинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида жамият раисининг ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботини ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2004 йилги балансини тасдиқлаш.
4. Дивидендлар миқдори ва тақсимланишни белгилаш.
5. Жамиятнинг 2004 йилдаги бизнес-режаси бажарилишини ва 2005 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
6. 2005 йилга акциядорлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тадбир

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ҳадемай таълим муассасаларида ўқув йили якунланиб, болажонларимиз орзиқиб кутаётган ёзги таътил ҳам бошланади. Хўш, бу йил ўқувчилар ушбу мароқли кунларни қандай ўтказишади? Ҳукуматимиз томонидан мавсумни ташкил этиш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Бир сўз билан айтганда дам олиш оромгоҳлари мавсумга шайми?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Дам олиш оромгоҳларида маънавий-маърифий ва тарбиявий масалалар»га бағишланган амалий конференцияда шу каби саволларга жавоб изланди.

Анжуманни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё олиб борди.

Соҳадаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда бунга бевосита масъул бўлган ташкилотларнинг вакиллари иштирокида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида гуруҳ аъзолари томонидан жойларда текшириш ва таҳлил ишлари олиб борилди. Бугунги ҳолат ўрганилди. Анжуманда ишчи гуруҳи фаолияти якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсуповнинг маърузаси тингланди.

Ҳумоюн АКБАРОВ, Халқ таълими вазирлиги маънавий ва маърифий тарбия бўлими бошлиғи:

— Биз республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда бу йил 533 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 7-14 ёшдаги ўқувчиларнинг 245.835 нафари дам олишини режалаштирганмиз. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 43 фоиз юқори бўлиб, қўшимчалар асосан мактаблар қошидаги оромгоҳлар ҳисобига тўғри келади. Жумладан, 245 та шаҳардан ташқари оромгоҳда 157.675 нафар, 20 та санаторий туридаги оромгоҳда 20690 нафар, 3 та спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 3440 нафар ҳамда 264 та мактаб қошидаги оромгоҳларда эса 63630 нафар ўғил-қизларнинг дам олиши мўлжалланмоқда.

Шунингдек, республика бўйича 500 дан ортиқ мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда 375 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг тўгараклари ёз давомида ўқувчилар учун фаолият кўрсатади. Уларда 721 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирларнинг турли тўгаракларда қатнашиши, спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилади ва мураббийлар иш олиб борадилар.

Бундан ташқари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этиладиган оромгоҳларда жами 29840 нафар ёки 0,61 фоиз ўқувчиларнинг дам олишлари режалаштирилган.

Озода МУҲИДДИНОВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари:

— Биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, бу йил 171 400 нафар бола ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишини ташкил этишни режалаштирганмиз. Ўтган йили 372 та оромгоҳ ишлаган бўлса, бу йил 540 тага яқинлашди. Бу жуда қувонарли ҳол, албатта. Федерациямиз томонидан ёзги оромгоҳларни ташкил этишга 2 миллиарддан ортиқ маблағ сарфланди. Шу ўринда бир янгиликни айтиб ўтай. Бу йилги битта йўлланманинг нархи 63000 сўм бўлса, шундан 57 фоизи Касаба уюшма томонидан, 25 фоизи хўжалик ҳисобидан, 18 фоизи эса отаона томонидан тўланади. Бутун йўлланмаларнинг 10 фоизи отаонасиз болалар, кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул берилади. Ўтган йили 27 та Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 88 фоизи соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилганди. Бу йил эса уларни 100 фоизи дам олишини режалаштяпмиз.

Султонмурод ОЛИМОВ, Республика «Манавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари:

— Ҳар куни вазият ўзгаради, янгилик яратилади, чунки ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Шундай экан, биз ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда янги усуллардан фойдаланишимиз лозим. Бу борада назарий эмас, кўпроқ амалий ишлар қилиш керак. Ватанимиз ўтмиши ҳақидаги тасаввурга эга бўлиши учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиздаги меъморий меросимиз билан танишган бола онгида буюк тарихимиз, миллатимиз сиймоси гавдаланади. Мустақиллик, истиқлол ҳақидаги фикрни шакллантириш учун болаларни бугунги юз берётган янгиликлар, бунёдкорлик ишлари билан таништириш лозим. Масалан, пойтахтимиздаги мустақиллик даврида қурилган замонавий иншоотларни томоша қилган бола қалбида Истиқлолнинг буюклиги намоён бўлади.

Шермат ЁРМАТОВ, «Булбулча» болалар қўшиқ дастаси раҳбари:

— Дам олиш жараёнида болаларнинг эстетик, руҳий-маънавий ҳордиқ чиқариши таълим жараёнида катта аҳамият касб этади. Бугуни ёшларимиз миллий мусиқамизни қўйиб, тушунса-тушунмаса хориж мусиқасига кўнгил қўймоқда. Хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, бола бир кунда камида 4-5 соат мусиқа эшитади.

Минг афсуски, баъзи оромгоҳларда ҳанузгача эски тузумдан қолган пластинкалар сақланаётганининг гувоҳи бўлдик. Хўш, болалар ўртасида тарғиб қилиш учун ўзимизнинг миллий қўшиқлар, рақсларимиз йўқми? Истаганча топилади. Касаба уюшмалари федерацияси ва шаҳар халқ таълими бошқармасига бориб, бизни ўша оромгоҳларга таклиф этинглар. «Булбулча» билан бориб ўша ерда дарс ўтай, концерт қўйиб берай, санъатимизни, миллий қўшиқларимизни тарғиб қилайлик дедим. Бугунги кунда шунга ўхшаш саъй-ҳаракат ва ташаббусларга амалий жавоб керак, назаримда...

Бўлиб ўтган ушбу анжуманда билдирилган фикр ва таклифлар асосида **«Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий тарбия Концепцияси»** қабул қилинди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев иштирок этди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Футбол — миллионлар ўйини. Спортнинг ушбу турини Қорақалпоғистонда ҳам бошқа жойлардагидан кам севишмайди, кам қадрлашмайди. Аммо бир неча йилдирки, Ўзбекистон миллий чемпионати ва мамлакат биринчилигида Қорақалпоғистон Республикаси шарафини ҳимоя қилувчи жамоалар тўп сурмаяпти. Кўпминг сонли қорақалпоқ мухлислари меҳрини қозонган «Турон» («Орол») футбол жамоаси тақдири нима бўлди? Ўз вақтида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилган қорақалпоғистонлик Бердақ Оллониёзов, Неъматулла Қуттибоев сингари моҳир футболчиларнинг издошлари қаерда? Маҳаллий ишқибозлар ўзларининг севимли жамоаларини яна қачон кучлилар қаторида кўришга муяссар бўладилар?

Мухбиримизнинг Қорақалпоғистон Футбол федерацияси президенти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Турсунбой ТАНИРБЕРГЕНОВ билан суҳбати айнан шу хусусда бўлди.

ПОЙДЕВОРСИЗ ИМОРАТ ОМОНАТДИР

— ДЕЙДИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ

— Турсунбой ака, мамлакатимиз Президенти Нукусда бўлганида қорақалпоқ футболи ҳақида алоҳида тўхталган эди. Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан республиканинг бош жамоаси «Турон» («Орол») Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида бир неча мавсум тўп сурди. Аммо, кейинчалик мамлакат чемпионатида қорақалпоқ жамоаси кўринмай кетди. Хўш, бугунги кунда Қорақалпоғистонда футболнинг оммавийлигини ошириш ва янада ривожлантириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Президентимиз юртимизда жисмоний тарбия ва спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга, шу орқали аҳолининг саломатлигини яхшилаш ва мамлакатимиз обрўсини кўтаришга алоҳида диққат-эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада кўплаб Фармон, қарорлар қабул қилинди. Чора-тадбирлар белгиланиб, соҳани ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Республикада футболни ривожлантириш, унинг оммавийлигига эришиш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда футбол федерациямиз махсус дастур асосида иш олиб бормоқда. Бугунги кунда барча туманларда футбол федерацияси бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 22 та футбол клуби ташкил қилинган. Айни пайтда бир футбол мактаб-интернати, 2 та футбол мактаби, Нукус олимпия заҳиралари спорт коллежида ёш футболчилар тарбияланмоқда.

Бундан ташқари, «Футболимиз келажаги» ва «Футбол ғунчаси» турнирларини ўтказиш анъанага айланган.

Ўтган йилдан бошлаб футбол ва спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида Нукус шаҳри очиқ биринчилиги уюштирилмоқда. Икки-уч йилдан бери етарли даражада эътибор берилмаган Нукус шаҳри биринчилиги ҳам шу йил қайта тикланди. Ҳозирги кунда 11 та футбол жамоаси иштирокида шаҳар ҳокими Кубоги учун мусобақалар ўтказилмоқда. Келажакда футболни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш режалаштирилган.

— Бир пайтлар Ўзбекистон миллий чемпионати ва мамлакат биринчилигида қатнашган «Турон» футбол жамоасининг тақдири бугун кўпчилик ишқибозларни қизиқтирмоқда...

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Республика футбол федерацияси конференцияси ташкил қилиниб, ушбу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратилди. Хабарингиз бор, «Турон» жамоаси 2000 йилги Ўзбекистон чемпионатида 15-ўринни эгаллаганди. Кейинги йили футболчиларимиз 18 жамоа орасида 17-ўринни банд этиб, олий лигани тарк этди. Сўнгра бир мавсум биринчи лига баҳсларида қатнашган «Турон» жамоаси 2003 йилдан бошлаб мамлакат биринчилигида иштирок этмаяпти.

Бунга футбол клубининг иқтисодий ночорлиги, «Турон» стадионининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабаб бўлганди. Ҳозирда стадионни қайта таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шунингдек, жамоани қайта тиклаш, иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ички имкониятлар изланяпти. Шу боис, жамоанинг ушбу муаммоларини тўлиқ бартараф этиб, келаси йили яхши тайёргарлик билан Ўзбекистон биринчилигида қатнашиш тўғрисида келишиб олинди.

Пойдеворсиз иморат омонат бўлгани каби .ёшларга эътибор бўлмаган жойда кучли жамоани шакллантириб бўлмайди. Шу боис, илгари йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, айни вақтда Қорақалпоғистонда иқтидорли футболчиларни тарбиялашга алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳозирда республика бўйича 119 мураббий 24528 нафар тарбияланувчига «миллионлар ўйини» сирларини ўргатяпти.

Ёш футболчилар асосан республикамиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг футбол майдончаларида машқлар ўтказади. Спорт мактаблари учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулот базалари яратиб берилмоқда.

— Республикада ўтадиган ички чемпионат хусусида икки оғиз тўхталсангиз...

— Республика футбол чемпионатида ўтган йили 15 жамоа иштирок этди. Эътиборлиси, бу жамоаларда асосан маҳаллий ёшлар тўп суради. Ички чемпионатимиз савияси тобора ошиб бормоқда. Бундан ташқари футболчиларимиз Ўзбекистон миллий чемпионати ва биринчилиги, Қозоғистон футбол клубларида ҳам ўйнашмоқда. Жумладан, Жандос Аметов, Тимур Турдимов, Исметулла Қуттибоевлар Қозоғистон Республикасида, Неъматулла Қуттибоев, Тимур Искендеров Зарафшоннинг «Қизилқум», Шарьяр Жумабеков Самарқанднинг «Самарқанд-Д», Тимур Бейтмуратов Гулистоннинг «Сирдарё», Қайрат Алгашев Урганчнинг «Хоразм», Абат Арзимов, Мансур Абдуллаев, Марат Қадиримбетов, Аманбай Абдуллаев, Женис Жумабеков, Муратбай Абдимуратов, Негматулла Шайниязов, Серик Ахметалиев, Мурат Авезниязовлар Хоразм вилоятининг «Ҳазорасп» жамоаларида тўп сурмоқда. Шунингдек, тажрибали мураббий Қувват Туреев ҳам айни пайтда «Хоразм» футбол клубида фаолият юритяпти. Бу эса республикамизда соҳани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар самарасини белгилаб бериши шубҳасиз. Қисқача айтганда, мамлакат чемпионатида муносиб жамоа билан иштирок этиш вақти келди. Айни пайтда шу мақсад йўлида астойдил изланаяпмиз. Ишонаманки, қорақалпоқ мухлислари келгуси мавсумдан бошлаб Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида севимли футбол жамоалари ўйинларидан баҳраманд бўлишади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ суҳбатлашди.

Спорт

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 22.00.
Topshirish vaqti — 23.45
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ — ДОКА РЎМОЛНИНГ ҚУРИШИ

«Эр-хотиннинг уриши — ёз кунининг ёғиши», «Эр-хотиннинг уриши — жўжа хўроз уриши» (дока — юпқа, ҳарир ип газлама бўлганлиги учун бирпасда қурийди. Ёз ёмғири «эзиб» ёғмайди, бирпасда ўтади-кетади. Жўжа хўрозлар бир-бирлари билан чўқишиб, уришишади, аммо бирпасдан кейин қарабсизки, тағин донлашиб кетаверишади.

Мазкур мақолларда аксарият эр-хотиннинг бир-бири билан тез-тез уришиб, жанжаллашиб туриши ва бирпасдан кейин яна ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетиши — ана шу тез тугайдиган ҳолатларга ташбиҳ этилган). «Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади» («Эр-хотин бир-бири билан уришиб, жанжаллашган вақтда уларнинг ўртасига тушиб, панд-насиҳатлар қилиб, яраштириб қўйишга ҳаракат қилган одамнинг ўзи қайтага уялиб, улар кўзига шумшук кўриниб қолади, негаки эр-хотин уришгани билан, тез орада тил топишиб, ярашиб кетади», дейилмоқчи).

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАНТАНАСИ

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ АНЪАНАВИЙ ФЕСТИВАЛИ ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН УЮШТИРИЛДИ

Икки кун мобайнида шаҳар марказидаги сўлим ва хушманзара «Истиқлол» боғи фестиваль иштирокчилари ва кўпминг сонли томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу ерда фестивалнинг мароқли, мазмунли, энг муҳими, эсда қоларли тарзда қизиқарли ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Турли кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурлари, қизиқчи ва аскиячиларнинг чиқишлари меҳмонларга ҳам, мезбонларга ҳам манзуру маъқул бўлди, десак янглишмаймиз. Намойиш этилган ҳар бир миллий спорт тури, халқ ўйинларининг тўпланганлар томонидан қизғин кутиб олингани ва кўпчиликда катта таассуротлар қолдиргани ҳам шундан далолат беради.

— Сурхондарё ҳамда Хоразм вилоятлари жамоаларининг чиқишлари менга айниқса ёқди, — дейди Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Тоҳир Шукуров. — Миллатимизга хос умрбоқий анъаналар, энг яхши урф-одатларимиз мужассам бўлган халқ ўйинларидан олам-олам завқ-шавқ олдим.

— Самарқанд вилояти Булунғур туманининг «Човқи» фольклор жамоаси аъзосиман, — дейди етмиш беш ёшли Яхшилиқ бобо Рискулов. — Биз, қариялар ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ва унутилиш даражасига бориб қолаёзган халқ ўйинлари, лапарларни тиклашга жазм қилганмиз. Болалигимизда ўзимиз қишлоқларда, дала-қирларда севиб ўйнаган «Податўп», «Чиллак», «Қулоқ чўзма», «Арпа пиш — буғдой пиш» каби ўйинларни қайта жонлантириб, сайқаллаштириб, ёшларимизга намойиш этиб бераяпмиз. Бугунги авлод вакиллари буларни ўрганса, ўйлайманки, бунинг невараларимиз, чеваларимиз тарбиясидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

— Ашула ва ўйинларсиз ҳаётимизни тасаввур қилолмайман, — дейди Урганч Давлат университети жисмоний тарбия факультети иккинчи босқич талабаси Орзигул Гилжонова. — Ота-боболаримизу момо-буваларимиз ҳам ўз замонасида ўйинлари, қўшиқлари, лапарлари орқали ўзаро дардлашганлар, фикрлашганлар. Бугунги фестивалда ижро этилган ашула ва ўйинларнинг илдизлариям аслида олис ўтмишга бориб тақалса не ажаб?! Фестивалимиз шундоқ халқ ўйинлари, спорт турларини қайта жонлантираётгани, уларга янгидан ҳаёт бахш этишга хизмат қилаётгани билан ҳам қадрли ва қимматлидир. Қолаверса, Жиззахга келиб, кўплаб дўстлар орттирдик, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Меҳмондўстлик, ўзбекона иззат-ҳурматни айтмайсизми?!

Икки кун давом этган фестивалда намойиш этилган халқ ўйинлари гўзал ва жозибали бўлди. Ижро қилинган қўшиқлар, лапарлар олқишлар билан кутиб олинди. Баҳслару беллашувлар ҳалол ўтди, ҳакамларнинг баҳолари тўғрисида ҳам шундай фикрлар билдирилди.

Шундай қилиб, фестиваль якунига етди. Тўпланган балларнинг умумий йиғиндисига кўра, Жиззах вилояти вакиллари бош соврин — «Гран При» билан тақдирландилар. Умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи, андижонлик ва самарқандликлар кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. Наманганлик Баҳодир Дадахўжаев фестивалнинг энг кучли, жасур, эътиборли, ақл-заковатли, билимдон қатнашчиси, деб топилди ва «Алпомиш» номинацияси совриндори бўлди. Тошкент шаҳридан Насиба Бекмуродова эса фестивалнинг зийрак, оқила, соғлом, иффатли ва гўзал иштирокчисига бериладиган «Тўмарис» мукофотини қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг бу галги анъанавий фестивали том маънода миллий қадриятлар тантанаси сифатида меҳмонлар ва мезбонларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: *фестивалдан лавҳалар.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЖЕЙМС КЛИЧКОНИ ЖАНГГА ЧОРЛАМОҚДА

WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнли Жеймс Тони икки карра жаҳон чемпиони Жон Руизни мағлубиятга учратгач, руҳланиб кетди. У мухбирларга ўз режалари ҳақида сўзларкан, навбатдаги жанглардан бирини WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличкога қарши ўтказмоқчи эканини яширмади. «Мен ҳар ким билан жанг қилишга тайёрман, — деди Тони, — ҳеч кимдан қайтмайман. Менга кўпроқ сармоя келтирадиган жанг керак. Ниятим қандай бўлмасин мутлақ жаҳон чемпиони бўлиш».

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Англиянинг «Челси» клуби муддатдан аввал мамлакат чемпиони бўлди. Бундан руҳланган жамоа мураббийи Жозе Моуриньо «Челси»да яна узоқ муддат қолишни истардим деган фикрни ўртага ташлади. «Бу жамоанинг ўзига хос томонлари бор, — дейди Жозе. — Шунинг учун ҳам клуб билан тузилган шартнома муддатини янада узайтириш ва шогирдларим даврасида бўлиш ниятидаман». Португалиялик мураббий ўз фикрини давом эттириб «Челси» соҳиби Роман Абрамович, футболчилар, клуб менежери Питер Кеньон ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш менга маъқул келади, деди.

Ўтган шанба куни «Челси» сафарда «Болтон» клубини 2:0 ҳисобида енгиб пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади ва иккинчи ўринда бораётган «Арсенал»дан ўн тўрт очко ўзиб кетди.

Эслатамиз, «Челси» бундан эллик йил аввал Англия чемпионатида зафар қучган эди.

МУҲИМ ЎЙИНЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Футбол

Роппа-роса бир ойдан сўнг, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг навбатдагисини ўтказади. Футболчиларимиз Тошкентда Жанубий Корея терма жамоасини қабул қилади. Дастлабки давра ўйинларини муваффақиятсиз якунлаган вакилларимиз айни вақтда мусобақанинг қолган учрашувларида ўз мухлисларини қувонтиришга жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

Якшанба куни бош мураббий Равшан Ҳайдаров раҳбарлигида терма жамоа аъзолари навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш учун Москва шаҳрига жўнаб кетишди. Саккизинчи майга қадар давом этиши кутилаётган мазкур йиғин давомида футболчиларимиз Россиянинг бир неча клублари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказади. Жумладан, терма жамоанинг 4 май куни Ярославлнинг «Шинник», 7 майда эса Москванинг «Спартак» футболчиларига қарши майдонга чиқиши режалаштирилган.

Ўзбекистон терма жамоаси Москвага қўйидаги таркибда йўл олди: мураббий — Виктор Жалилов, дарвозабонлар — Евгений Сафонов («Шинник», Россия), Игнатий Нестеров («Пахтакор»); ҳимоячилар — Бахтиёр Ашурматов, Илҳомжон Суюнов, Асрор Алиқулов, Алексей Николаев (барчаси «Пахтакор»дан), Хайрулло Каримов («Машъал»), Камолиддин Кенжаев («Насаф»); ярим ҳимоячилар — Ислом Иномов («Навбаҳор»), Сервер Жепаров, Тимур Копадзе, Владислав Кирьян, Леонид Кошелев, Ринат Байрамов (ҳаммаси «Пахтакор»дан), Андрей Акопянц («Ростов»), Марат Бикмаев («Крилья Советов»); ҳужумчилар — Анваржон Солиев, Александр Гейнрих («Пахтакор»), Зафар Холмуродов («Насаф»).

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод Шарафиддиновга ўғли

Шерзод Озодович ШАРАФИДДИНОВнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.